

Махтумкули Фирогий 18 аср маърифий шеъриятининг буюк даргаларидан бўлиб, бутун туркий халклар учун тушунарли ва севимли шоир, маърифатли сиймо, ориф ошик, сохиби хикмат бўлган валий зотдир. Унинг инсонпарварлик, халкпарварлик, ватанпарварлик гоёлари билан йўгрилган шеъриятида пок исломий маърифат руҳи гуркираб, яшнаб туради.

Махтумкули тақрибан йилда Туркменистоннинг жануби-гарбидаги Атрек (Атрок) дарёси сохилларида, маърифатли исломий оилада дунёга келади.

Отаси Давлатманд Озодий ўз даврининг таникли шоирларидан бўлиб, унинг шеърий китоби ҳамда "Ваъзи Озод" номли асари мавжуд. Озодий ижоди, айникса, "Ваъзи Озод" китоби, чамаси, тўлик исломий руҳда бўлгани боис шўро даврида етарли ўрганилмаган. Бу китобда муаллиф улуг мутафаккир шоир Алишер Навоий ижодини яхши ўзлаштирган, айникса, "Махбуб ул-кулуб" асаридан таъсир олган адиб сифатида намоён бўлади.

Давлатманд Озодий шунчаки шоир эмас, балки замон алломаси, такво ва маърифат ахлининг пешвоси, авлиёи барҳак эканини Махтумкулининг бир неча марсиясидан англаш мумкин. Шоир отаси хақидаги марсияда ёзади:

Могу давлатларга кўнгил кўймади,  
Бу жахоннинг ишратини суймади,  
Эски шолдан ортик пўшиш киймади,  
Охират уйи бўлди касди отамнинг.

"Мункир билмас, мухлисларнинг шакки йўк, Пайгамбар дастидир дасти отамнинг" сатрлари хазрати Расулulloх (с.а.в.)нинг: "Кимки бир олим кишини хурмат қилса, муҳаккақ, у мени хурмат қилган бўлади" ҳамда: "Хар бир муттакий олим менинг ахли байтимдандир" деган муборак ҳадиси шарифларига асосланган.

Нукабо дер: уч юз эран кўришди,  
Чилтанда отамга назарим тушди,  
Нужабо борсам, хафттанларга коришди,  
Абдоллардир чин пайвасти отамнинг.

Бу мисралар Озодийнинг шубҳасиз валий зот эканини англатади. Нукабо, Нужабо авлиёларнинг муайян гуруҳларидир. "Нукабо" – "накиб" сўзидан, накиблар – бирор жамоа ва гуруҳнинг улуглари, эътиборли кишилари, раислари; "нужабо" – "нажиб" сўзидан, нажиблар – бузургворлар ва танланган азиз зотлар дегани. Абдоллар – валийликнинг кутбдан олдинги мартабасига эришган зотлар, демакдир.

Махшар куни гамсиз кирар беҳиштга,  
Хар ким чиндан бўлса дўсти отамнинг! -

Бу сатрлар хазрати Пайгамбаримиз(с.а.в.)нинг "Киши охиратда яхши кўрган кишиси билан бирга бўлади", деган хадиси шарифларига таянади. Махтумкулидек шариатда собиткадам ва истикоматда мустахам зотнинг бу муждаси оддий таъриф эмас, балки маъно оламидан етган шавк натижасидир.

\* \* \*

Махтумкули отаси сингари бошлангич таълимни кишлок мактабида олади. Кейин Марказий Осиёнинг улкан маданият ва илм-фан марказларидан бўлмиш Кўхна Хива шаҳрида, "Шергозихон" мадрасасида ўқийди. Кизилоёк овулидаги (хозирги Чоржўй вилояти, Халаж тумани) Идрис Бобо мадрасасида бир канча вақт илм олади. У Бухорои шарифдаги Кўкалдош мадрасасида ҳам таълим олган, деган маълумот бор. Хивадаги энг нуфузли ўқув даргоҳи саналмиш "Шергозихон" мадрасасида Махтумкули уч йил ўқиб, муҳим илмларни ўзлаштириб, Куръони каримни хатм қилади, ўзи айтганидек, дили очилади, ок-корани, ҳақ-ноҳақни, дўст-душманни ажратадиган бўлади. Ёш олим мадраса билан хайрлашув шеърида шукрона туйгуларини бундай ифода этади:

Ҳақдан бизга буйрук – фарз эрур билим,  
Сенда таълим олдим, очилди дилим,  
Келсин дея кутар ул Карказ элим,  
Кетар бўлдим, хуш кол, гўзал "Шергози".

Ажратарман энди оку карони,  
Дўст-ракиб, кардошим, Ҳакни, ёронни,  
Ўқидим, кўтардим Китоб – Куръонни,  
Кетар бўлдим, хуш кол, гўзал "Шергози".

Шоир шеър давомида "Илм, таълим олган сени унутмас", деса, охирида "Асло унутмасман тилло кописин" дея миннатдорлик изхор этади. Биз бу шеърга "Хивадаги Шергозихон мадрасаси билан хайрлашув" дея ост сарлавҳа қўйдик. У Хивадан қайтгач, мударрислик қилгани, айни вақтда заргарлик билан шугуллангани нақл қилинади. Махтумкули араб, форс тилларини пухта ўзлаштирган, чигатой – эски ўзбек тилини мукамал билган. Бу ҳол унинг ижодидаги сўз бойликларидан ҳам аён дир. Ижодидан маълум, Махтумкули Марказий Осиё ва Яқин Шарқнинг бир канча диёрларини кезган, Бухоро, Хива, Афғонистон, Озарбойжонда бўлган. "Занги Бобони кўрсам", дейишига кўра, Тошкентга ҳам келган бўлиши керак.

Наълайни Аршга тождир,  
Номи оламга фошдир,  
Икки жаҳон мухтождир -  
Араб забонни кўрсам, -

дейишига кўра, Мадинаи мунавварада хазрати Пайгамбаримиз(с.а.в.)нинг муборак равзаларини зиёрат қилмоқ ниятида экани, яна: "Иймоним йўлдош бўлса, Борсам, Каъбани кўрсам" ёки: "Ниятим Каъбадир, хаёлим ҳаждир, Ихлосим бор ҳаж тавофин этмокка", дейишига караганда, муборак ҳаж ибодатини адо этмокни ният қилганлиги

англашилади.

\* \* \*

Наклга кўра, Махтумкулининг илк шеъри "Тургил, дедилар" манзумасидир. Шоир шеърда Аллох таоло ато этган маънавий икромни шукрона ва хиссиёт билан баён этади:

Бир кеча ётардим, туннинг ярмида,  
Тўртта отлик келиб, "Тургил!", дедилар,  
"Хабар бергайдирмиз фурсат етганда,  
Бул ерда эрлар бор, кўргил!" дедилар.

Назарим тушганда ул тўрт мардона,  
Кўнглим жўша келди, бошим гардона, -

дея шоир маъно оламида эрлар – валий зотларни кўриб, кўнгли жўш уриб, боши айланганини айтиб, хис-хаяжонини изхор этади. Маъно оламидан Махтумкулига инсонларни шеър билан Хакка даъват этиш изни ва истеъдоди берилгани манзума замирида ифодаланган. Бу "Ўғлон, Аллох ёринг, боргил, дедилар" сатридан ҳам англашилади.

Е.Э. Бертелс бу шеърни А.С. Пушкиннинг "Пророк" ("Пайгамбар") номли шеъри билан таккослаб, муштарак ва фаркли жихатларини топишга уринган. Чунки, унда ҳам "Тургил, эй Пайгамбар, чорла, даъват эт!" деган хитоб бор. Аммо Пушкиннинг "Пайгамбар" шеъри аслида хазрати Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам хакларида бўлиб, унда, шакки содр, яъни, болаликда хазрати Пайгамбаримизнинг кўкракларини фаришталар ёриб, калбларини поклагани, кейин эса кўксиларига хикмат тўла чўгдек олтин жом жойлаганлари ҳамда вахий воқеалари, у зотга инсонларни огох этиб, Хакка даъват қилиш амр этилгани ифодаланган. Шеърдаги: "Восстан, пророк, и вижд, и внемли" ("Тургил, эй Пайгамбар, чорла, даъват эт") сатри "Муддассир" сурасидаги "Кум фа анзир" – "Тур ва огох эт!" оятидан олинган. Пушкин ёзади:

Ётардим кимсасиз ёбон ичинда,  
Менга вахий келди Аллохдан шунда:

"Тургил, эй Пайгамбар, чорла, даъват эт,  
Иродамга бўйсун, бас, тамомила;  
Сен барру бахрни кезиб, иршод эт,  
Инсонлар калбин ёк, ҳақ Калом ила!"

Пушкин Куръони карим таржимасини ўқиб, "Подражание Корану" ("Куръондан иктибос") шеърий туркумини йилда ёзган бўлса, орадан икки йил ўтиб, йилда "Пайгамбар" деган шеърини битган. Демак, бу орада у хазрати Пайгамбаримиз(с.а.в.)нинг хаётларини ҳам ўрганган, дейиш мумкин. Аммо шеърда Пайгамбарга мос бўлмаган ножоиз сўзлар ҳам борки, бу ифодалар шоирнинг ўз шахсига

оиддир. Негаки, у шеърнинг илк нусхасида сўнги байтни ўз-ўзига хитоб қилиш билан яқунлаган. Кейин қайта ишлаб, Куръон ояти маъносини ифодалаган. Махтумкулининг "Тургил, дедилар" шеъридаги тафсилот зохиран хазрати Пайгамбаримиз воқеаларига ўхшагани учун Бертелсни кизиктириб қолган. Холбуки, Хазрати Пайгамбаримиз воқеалари вахийга ва Куръонга асосланган, Махтумкули воқеаси эса маъно олампдан етган хабардир. Шеърларда ўхшашлик йўқ, воқеаларда ўхшашлик бор. Бас, Бертелсининг таажжуби илмга асосланмаган, балки зохирий ўхшашликдан тугилган мулохазалардир.

\* \* \*

Махтумкули ўз даврида босқинчилар зулми остида қолган халқни бирлаштиришга, юртни ташқи ва ички душманлардан озод этишга ўз истеъдоди билан ҳаракат қилди. Шоир ёзади:

Устимиздан душман ҳукм сурибдур,  
Мўъмин бари жабру жафо кўрибдур,  
Ўгил-қизни хор ўрнига берибдур,  
Хатарлар ул жойдан сурилсин энди!..

Бошқа шеърида эса шоир эл-юрт аҳолисининг қундан-қунга ёмонлашиб бораётганидан, чамандек ватан тиканзорга айланаётганидан фарёд чекади:

Найлайин, қун қундан ёмон,  
Эл юртимни тутди туман,  
Марг остида ажаб чаман,  
Бок, бу қун ул хорга дўнди...

Ҳамиша эл-юрт дарду армони билан яшаган Махтумкулининг ёниқ шеъриятида шафқат ва зулм, яхшилик ва ёмонлик, мардлик ва номардлик, жўмардлик ва тубанлик каби ҳусуслар бир-бирига қарама-қарши ҳолда тавсифланади, яхши хислатлар улугланиб, ёмон хислатлар қораланади.

Махтумкулининг ижоди Куръони қарим, ҳадиси шарифларга, тасаввуф таълимоти, валийлар ҳикматига ҳамда Аллоҳ Ўз ҳузуридан ато этган илми ладунийга асосланган. Унинг сиёсий қарашлари ҳам соғлом эътиқод тамойилларига таянган бўлиб, бу мўъжаз бир илмий тадқиқотга асос бўладиган мавзудир. Давр ҳукмдори – Аҳмад шохга бағишланган шеърида шоир: "Сен динни ривожлантир. Шохларнинг шохисан, исломнинг қувватисан" дейди.

Албатта, шоирнинг сиёсий гоёлари ўз даври тарихи билан изоҳланади.

\* \* \*

Махтумкули шеърияти – нурли шеърият. Унинг ижодида дунёвий ва ухровий илм-маърифатдан хабар берувчи савол-жавоб тарзидаги шеърлар алоҳида мавқеъни ишғол этади, юракларни ларзага солади. Адибнинг Турди шоир билан айтишувига

диккат килайлик:

Махтумкули:

– Ул нимадир, ёкаси бор, ёни йўк?  
Ул нимадир, каноти бор, кони йўк?  
Ул нимадир, одам ютар, жони йўк?  
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

Турди шоир:

– Ул кафандур, ёкаси бор, ёни йўк,  
Капалакдур, каноти бор, кони йўк,  
Каро ердур, одам ютар, жони йўк,  
Биздан салом бўлсин, жавоб шундайдир...

Махтумкули:

– Ул нимадур, емадилар, тўйдилар?  
Ул нимадур, киёматга кўйдилар?  
Ул ким эди, товонидан сўйдилар?  
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

Турди шоир:

– Ул дийдордур, емадилар, тўйдилар,  
Ул намоздур, киёматга кўйдилар,  
Насимийнинг товонидан сўйдилар,  
Биздан салом бўлсин, жавоб шундайдир...

Савол-жавоб шеърларида "тажохули орифона" тарзида, яъни билиб туриб билмасликка олиб, замондошининг истеъдоди ва илми-маърифатини синаш учун саволлар ўртага кўйилади. Бу сўрокларга жавоб бериш учун эса истеъдоддан ташқари, кенг камров, нозик фаросат, улкан илм-ирфон ҳам бўлиши зарур.

\* \* \*

Айтганимиздек, Махтумкули факат истеъдодли шоир эмас, балки улкан аллома, ахли хол, ахли сирр, ахли хикмат бўлган ориф зотдир. Маъно оламида унинг бир канча азиз сиймолар билан иртиботи борлиги англашилади. Бир канча шеърда у ҳақ Пайгамбарлар, машхур авлиёлар билан боглик тушларини фарах ва шукрона билан баён этади. Чунончи, хазрати Шох Бахоуддин Накшбанд хузурида олган файзларини бундай ифодалайди:

Бир кеча ётардим, Шохи Накшбанд  
Карами жўш уриб, бир нон кетирди;  
Ўнг кўлида бода – гулгун шароби,  
Чап кўлида тоза бирён кетирди...

Шеърда Махтумкули Бахоуддин Накшбанд хазратларининг маънавий таважжух ва

химматларига мазхар бўлганини ошкор этмоқда. "Бода – гулгун шароб"дан мурод ишки илохий, улуг валий рухониятидан етган маънавий таважжух, "тоза бирён" эса хикмат натижаси бўлган маънавий насибадир.

Бошка бир шеърида шоир "сайрон ичинда" – сулукдаги сайр чогида Пайгамбарлар ва азиз авлиёлардан иборат нафар сиймони кўрганини билдиради ва: Туркистон эгаси – Хожа Ахмад Яссавий ҳам улар орасида борлигини айтади:

Туркистон эгаси – сарвар,  
Имом Косим, Имом Жаъфар,  
Яҳё билан Нух Пайгамбар,  
Боязид Султон ичинда...

Шеърда зикр килинган Имом Косим – хожагон силсиласидан хазрати Косим ибни Мухаммад ибни Абу Бакри Сиддик, Имоми Жаъфар эса хазрати Жаъфари Содик разияллоху анхумо хазратларидир. Шеър якунида шоир: "Махтумкули, сирим кўпдур..." деб ўз-ўзига сигмаётганини, лойик сирдош излаётганини билдириб ўтади. Шоир ижодида илохий ишк мавзуйи алохида ўрин тутади. Аммо у кўплаб мумтоз шоирлардек, ижодда мажозий мухаббатни бахона килмайди, балки хакикатни куйлайди. Шоир айтади:

Ошиқлар Хак ишкинда  
Хайрондадир-хайронда.  
Кўз интизор изинда  
Гирёндадир-гирёнда...

\* \* \*

Замонлар ўтган сари, шоирларни ялпи кораловчи, хатто уларга нолайик айблар таковчи гуруҳлар пайдо бўла бошлади. Илми ва маърифати саёзлиги ёки нокомил "устоз"лардан таълим олиб, четдан келган дунёкарашларга берилгани сабаблими, баъзилар Куръони каримда шоирлар хақида келган оятларни нотўғри тушуниб, ўзларича таъвил килади. Холбуки, унда истисно ояти ҳам бор бўлиб, меҳрибон Аллох иймонли шоирлар билан иймонсиз шоирлар ўртасидаги тафовутни аниқ-равшан баён этгандир. Чунончи, Аллох таоло айтади: "Шоирларга йўлдан озганлар эргашур. Уларнинг (сўз водийларидан) ҳар водийда дайдишларини (яъни, ўзларига ёқиб қолган энг тубан кимса ёки нарсаларни ҳам кўкка кўтариб, ёқтирмаганларини тупрокка қоришларини) ва ўзлари қилмайдиган нарсаларни гапиришларини кўрмадингизми?" ("Шуаро" сураси, --оятлар. Алоуддин Мансурнинг изохли таржимасидан). Бу оятлар хазрати Пайгамбаримизни ва Исломиятни ҳажв қилиб, қоралаган иймонсиз, кофир шоирлар хусусидадир. Кейинги оятда эса Аллох таоло бундай деб марҳамат килади: "Магар иймон келтирган ва яхши амаллар қилган ҳамда доим Аллохни ёдда тутган ва (илгари) мазлум бўлганларидан кейин (Ислом зафар топгач), Қолиб бўлган (қасдларини олган) кишилар (яъни, шоирлар йўлдан оздиргувчи эмаслар). Золим кимсалар эса яқинда қандай оқибатга қараб кетаётганларини билиб қолурлар". ("Шуаро", -оят).

Бу ояти қаримадан шоирларга баҳо беришда асосий мезон иймон-эътиқод, солиҳ

амаллар ва Аллохни кўп зикр килиш эканлиги англашилмокда.

Улуг ватандошимиз Факих Абуллайс Самаркандий бу ояти карима шархида бундай дейдилар: "Хакни – хакикатни сўйловчилар – факатгина иймон келтириб, солих амаллар киладиган, Аллохни кўп зикр этадиган кишилардир. Шеър ва бошка нарсалар билан машгул бўлишлари уларни Аллохнинг зикридан чалгитмас, аксинча, бу ишлар Аллохни янада кўпрок зикр килмокка сабаб бўлур". ("Тафсир ул-Куръон", -сахифа). Яна Абуллайс Самаркандий хазратлари айтадилар: "Аллохни ва Унинг Расулини мадх этадиган, инсонларга насихат ва ўғит берадиган ҳамда уларни яхшиликка ташвиқ этадиган шеърлар мамдух – макталмокка лойикдир. Бундай шеърларни ёзган шоирлар Аллохнинг хузурида макбулдир». (Ўша асар, -сахифа).

"Рухул-баён" китобида ҳам мазкур ояти карима тарихий мисоллар билан шархланган. Маълумки, эзгу фикр-гояларни, ишки илохийни мажоз йўли билан ифодалайдиган шоирлар "Мажоз хакикатнинг кўпригидир" деган хадиси шарифга асосланадилар. Шеър ва шоирлар хусусида бир канча хадиси шарифлар ҳам мавжуд. Чунончи, хазрати Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи васаллам: "Сўзда - сехр, шеърда - хикмат бор" деб лутф килганлар.

Сахобалардан бўлган бир шоир келиб, Пайгамбар алайхиссаломга: "Аллох таоло шоирлар хакида айтган бу сўзлардан (юкоридаги оятлардан) кейин бизларнинг холимиз не кечади?" – дейди. Шунда хазрати Пайгамбаримиз (с.а.в.): "Мўмин киши ҳам тиги, ҳам тили (яъни, калами) билан Аллох йўлида курашади. Яратган Эгамнинг номига касамки, сизлар отадиган ўкнинг тиги ўткиррокдир", деганлар.

Имом Бухорий хазратларининг "Ал-Жомийъ ас-Сахих" ("Энг ишончли хадислар тўплами") китобларида ҳам шеър ва шоирлар хакида хадиси шарифлар бор.

Имом Термизийнинг "Шамойили Мухаммадийя" китобларида эса, хазрати Пайгамбаримиз (с.а.в.) ўкиб юрган шеърлар алохида бобда баён килинган. Бинобарин, шоирларга баҳо беришда мезон уларнинг иймонидир. Уларнинг иймон-эътиқоди эса ёзганидан маълум. Шу боис, бу масалага инсоф ва соф дил билан ёндашган маъкул. Шоир айтганидек:

Махтумкули, кимки ичин соф этмас,  
Маълумдирки, охиратдан хавф этмас,  
Ожиз тани ўтли гурзга тоб этмас,  
Ё Раб, кандай бўлур холи банданинг?!

Хазрати Жалолиддин Румий, Насимий, Алишер Навоий, Мухаммад Фузулий, Боборахим Машраб, Мухаммадризо Огахий сингари юзлаб мумтоз шоирлар шеърлятида эса комил иймон, ишки илохий порлаб туради. Бу мустасно шоирлар силсиласида Махтумкули Фирогийнинг ўз макоми бор... Шоирнинг мажоз куйчиси эмас, балки Хожа Ахмад Яссавий, Сўфи Аллохёр сингари хакикат куйчиси экани унинг халк оммаси орасида гоят севимли бўлишининг сабабларидан бўлса, ажабмас.

Хак йўлидаги хакикий иймон сохиблари учун шеърлят эзгулик, гўзаллик, поклик ва халоллик, такво ва садокат, файзи илохий самарасидир. Чунки хадиси шарифда айтилганидек, "Хикматнинг боши Аллохдан кўркувдир" ва яна: "Шеърда, албатта, хикмат бор". Хикмат эса Аллохнинг хос икромидир. Чунончи, Куръони каримнинг Бакара сураси, -оятида Аллох таоло: "У (Аллох) Ўзи хохлаган кишиларга хикмат ато этур. Кимгаки хикмат берилган бўлса, бас, мухаккак, унга кўп яхшилик берилибди" деб

мархамат килади. Хикмат – соглом аклга, соглом калбга, иймон-эътикод ва илму ирфонга мувофик сўз, барча диний ва дунёвий нарсаларнинг хакконий хукмлари дир. Махтумкули, шубхасиз, ана шундай сохиби хикмат зотлардандир.

Махтумкулининг бутун маърифати, исломий мухаббати, ишки, шавки, кайгуси шеърларида акс этади. Шеърият шоир калбининг кўзгусидир.

Махтумкули шеърияти бани башарга килинган оташин ва маърифий хитоблардан иборат.

Махтумкули шеърияти Куръони карим ва хадиси шарифлар маъноларининг шеърий шархидан иборат.

Махтумкули шеъриятининг бош йўналиши: иймон-эътикод, ўлим ва хаёт, киёматнинг хаклиги, дунёнинг фонийлиги ва охиратнинг бокийлиги, огохлик билан охиратга хозирлик кўрмок зарурияти каби эзгу гоюлар дир.

Махтумкули, сен дам-бадам

Охират сари ур кадам.

Яхши-ёмон – барча одам

Ажалнинг гирифторидир.

Махтумкули шеърияти эзгуликка даъват дир. Фоний дунёга алданманг, дейди шоир. Маълумотларда Махтумкули ёшликда Менглихон исмли кизни севгани, лекин унга уйланиш насиб килмагани, кейин шоир Оккиз исмли аёлга уйланиб, ундан икки ўғил кўргани, фарзандлари ёшлигида ўлиб кетгани зикр килинади. Машхур шаркшунос Е.Э. Бертелс: "Бундай жудоликдан кейин оилавий хаёт шоирга лаззат бера олмагани хакикатга жуда якин", деган фикрни билдиради. Инсоний жихатдан карасангиз, бу фикр тўғрига ўхшайди. Аммо мусташирикнинг: "Эхтимол, Махтумкулининг кўпчилик шеърларидаги гам-алам охангларига шоирнинг оилавий бахтсизлиги хам сабаб бўлгандир", деган фикри Махтумкулининг маърифати, ишки, дарди ва гоюларини тўлик тушунмаслик натижасидир. Олим келтирган:

Жахонгашта девоналар,

Мен каби хеч ёнган борми?

Ишк курбони – парвоналар,

Ул оловдан конган борми? –

деган банд эса факат инсоний-мажозий ишк хусусида эмас, балки "девоналар", "парвоналар" ифодаларидан англашилиб турганидек, ишки илохий хусусида дир. Тўғри, шоирнинг севгиси, мусибатли жудолик дард-аламлари хам унинг шеърларида акс этган. Аммо шоир ижодидаги "гам-алам оханглари" асло оилавий бахтсизлик натижаси эмас. Махтумкули ориф, ошик, дунё ва охиратнинг мохиятини англаган, гофиллик, жохиллик, гунох-маъсиятлар авж олиб, дунё шитоб билан шак-шубхасиз киёмат сари кетаётганини огохлик кўзи билан кўриб турган мард инсон, аллома, иймони бутун, кайгуси оламшумул, дарди хаётбахш валий зот дир. Ўз-ўзини хор тутиб, айбдор сезиб, осий ва гунохкор эканлигини изхор этиб, надомат чекиши эса солих ва муттакийлик аломатларидандир.

Чунончи, бир шеърида шоир ўз йигисининг сабабини бундай баён этади:



Кетган келмас йўлиндан,  
Ёмон кайтмас феълиндан,  
Диёнат халк кўлиндан  
Учди, дея йигларман.

Хозир бизнинг замонда -  
Ёмон сўзлар забонда,  
Зулм ишлари жахонда  
Жўшди, дея йигларман!..

Бинобарин, шоирнинг улуг дарду Камини фоний-дунёвий нарсаларга боглаш инсофдан эмас.

\* \* \*

Махтумкули ижоди турли котиблар томонидан кўчирилган юзлаб нусхалардан ҳамда туркман ва ўзбек тилларида такрор-такрор нашр килинган китоблардангина иборат эмас. Унинг асарлари тўлик сакланмаган, ўзи хаётлигидаёқ баъзи душманлар шоирнинг кўлёма китобларини йўқ килган. "Ёзган китобларим селга олдириб, Кўзларим изинда гирён айлади" сатрлари ҳамда куйидаги хасратли сўзлари бунга далилдир:

Гофилликда душман олди даштимни,  
Таркатди хар ёнга тенгу тўшимни,  
Беш йилда бир китоб этган ишимни  
Кизилбошлар олиб, вайрон айлади.

Шу йўсин шоир азиз умри гулдек сўлганидан гам-алам чекади.

\* \* \*

Шеърларидан Махтумкулининг пири отаси экани англашилади. Аммо у бошка кўплаб муршиди комилларни ҳам зикр килади. Яна кўплаб шеърларида у Хожа Ахмад Яссавий, Мавлоно Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Мухаммад Фузулий, Сўфи Аллохёр, Боборахим Машраб ва бошка валий шоирлар сингари, бир пири комилни излаш, бир муршидга кўл бериб богланиш зарур эканини таъкидлайди.

Ихлос билан бир комилга кўл берган  
Етар бир манзилга, етмайин колмас;

Ёки:  
Окил бўлсанг, иста бу йўлда бир пир,  
Ризкингга кафилдир Аллох – Муктадир;

Ёки:  
Киркингда тавба айлаб, бир муршидга кўл берсанг,  
Кўнглингни бирга боглаб, азиз Субхона келдинг;

Ёки:

Пулсирот устинда, хайхот кунинда,  
Сўфийларни кароматли Пир чекар, -

сатрлари бунга далилдир. Шунингдек, хазрати Бахоуддин Накшбанд хакларидаги эхтиромли ва мухаббатли шеърларидан Махтумкулининг Накшбандия тарикатига эътимоди кучли эканини пайкаш мумкин.

\* \* \*

Махтумкулининг илохийёт мавзуидаги шеърлари, жумладан, илохий ишк ва исломий маърифат тараннум этилган асарлари мустамлака даврида хаспўшланди ёки уларнинг мохияти бузиб талкин этилди. Бу кунги истиклол кунларида биз кўплаб мумтоз адиблар каторида Махтумкулининг хам илохий рухдаги шеърларини шархлаш имконига эга бўлиб турибмиз. Шоирнинг ана шундай теран маърифий маънодаги асарларидан бири "чикар" радифли газалидир.

Гар тутса холимдан хабар, курук огочдан кон чикар,  
Инсон шароримдан асар топса, танидан жон чикар.

"Агар менинг маънавий холимдан, дарду ишкимдан хабар топса, инсон у ёкда турсин, хатто куриган огочдан кон чикади. Шароримдан – ичимдаги оловдан бир инсон асар топса, бу ишк ўтининг бир учкуну унга етса, тогат килолмай, танидан жон чикади". Шоир ишк дардида, маънавий холини, илохий тажаллийлар таъсирини муболага билан ошкор этаётир. "Курук огочдан кон чикар" ифодасида эса, аслида ўз багрининг конга тўлганига ишорадир. Куриган дарахтдан кон чиккач, тирик инсондан жон чикади.

Корун килиб молин адо, сад жон истар – бўлса фидо,  
Кун шамъидан бўлиб жудо, нурын кўйиб, пинхон чикар.

Агар менинг холимдан хабар топса эди, бенихоят бойлик эгаси бўлган Корундек мутакаббир ва хасис кимса хам эриб, молини сарфлаб адо килар, юз жон бу ишк йўлида фидо бўлишни орзу килар эди. "Куёш ўз ойидан жудо бўлиб, хатто ўз нурини кўйиб, менинг шароримни кўриб, уялганидан пинхон чикар эди".

Корун – Куръони каримда зикр килинган, Мусо алайхиссаломга замондош бўлиб, адабиётда бойлик ва хасислик тимсолида кўлланади. Куёшнинг нурсиз холда пинхон чикиши Махтумкулига хос янгича ифодадир.

Бир кўчада бўлсам муким, дилга кетирсам кадри сийм,  
Хар кўчаи вайронадан сад ганжи бепоён чикар.

"Агар шу ишк дарди, шу маънавий холим билан бир кўчада муким туриб колсам ва сийму зарга бирор кадр-киммат берсам, кўнглимга хазина фикрини келтирсам, хар бир вайрона кўчадан юзтадан бепоён – хадсиз-хисобсиз ганж, хазина чикар эди. (Аmmo менинг бунга хохишим йўк)".

Шоир ўз калбидаги маънавий хазиналар хар кандай дунёвий бойликлардан авло

эканига ишорат килмокда ва агар мен сийму зар истасам эдим, мендан ганийрок киши бўлмасди, аммо менинг ботин хазинам менга кифоядир, демокда.

Кўнглимга келган накшлар кўзларга пайдо бўлса гар,  
Кўшулса кўп нодонлар, комил бўлиб, мардон чикар.

"Агар менинг кўнглимдаги накшлар – илохий тажаллийлар, ишк ва мухаббат тасвирлари, хол манзаралари одамларнинг кўзига кўринса эди, кўп нодонлар бирлашиб, комил бўлиб, марди Худо бўлиб, авлиё бўлиб чикар эди".

Накш – матохга ўйиладиган хилма-хил ранглар, гуллар, тасвирлар, ёзувлар; тарх ва лойиха; ёзик – тақдир ёзуви; тимсол, шакл; огохлик каби маъноларда кўлланади. Шох Бахоуддин хазратларининг касби матохга накш солиш эди. Кейин у зот муридлар калбига ишки илохийни накш айлайдиган муршиди комил маъносида Накшбанд деб номланганлар. Шунга кўра, бу ўриндаги накш илохий ишк ва илохий тажаллийлар маъносидадир.

\* \* \*

Накш – яна соликка, яъни сулук ахлига Ҳақдан хабар берувчи, уни нафсидан кутқарувчи, ибодатга ва каноатга даъват этувчи восита, соликни гафлат уйқусидан уйготувчи, оворалик сархушлигидан кутгариб, ўзига келишини таъминловчи ҳақ жазбасидир. "Тасаввуф лугати"да шундай келтирилган.

Тарикат – комил инсон бўлиш, илохий ахлоқ билан хулкланиш йўли. Адиб ана шу табаррук йўлга ишора қилаётир.

Ҳеч англамай зеру забар, гар топса жазбамдан асар,  
"Алиф"дан, "бе"дан беҳабар, хар дамда бир Куръон чикар.

"Зеру забар – арабий ёзув ҳаракатлари нималигини билмаган, "алиф"дан, "бе"дан беҳабар инсон агар жазбамдан хабар топса, илохий огохлик даъвати етиб, хар нафасидан бир Куръон чиқади".

Бу байт юкоридаги байтни тўлдириб, шарҳлаб келди ва накш илохий жазба эканини исбот этди. Ҳақ жазбасидан асар топган жохиллар ҳам Куръонга мувофик яшашни ўрганади, дейди адиб.

Жабр этди Жамшид жонига, ким, кирди маъдан конига,  
Юз йил кириб поёнига, на Золу на Лукмон чикар.

"Жамшиддек улуг подшоҳ ҳам маъдан конига, дунё бойликлари ичига кириб, ўз жонига жабр қилди. Агар дунё хазиналари ичига қирса, ҳеч ким унинг поёнига етолмайди, ундан на Зол чиқади, на Лукмон чика олади".

Жамшид – қадимий эрон шохларидан бири. У Фирдавсийнинг "Шохнома" асарида ва форс асотирида таърифланган машҳур тимсол. Унинг Каройиб жоме бўлиб, унда дунёнинг ҳамма томони кўриниб турган, деб тасвирланади. Шоир, Жамшиддек машҳур султон ҳам дунё жилвасига алданди, демокда. Зол – Рустами дostonнинг отаси.

Мен хам, Фирогий, ул қадар аклимни килдим дарбадар,  
Бир бехунар топса хабар, пар боглабон осмон чикар.

"Эй Фирогий, мен хам аклимни шунчалик сарсон килдимки, агар бу ишкимдан, бу жазбамдан бир бехунар, гофил хабар топса, унга огохлик етиб, канот боглаб, осмонга чикади".

Газалдаги барча байтларга асос бўлган нарса адибнинг холи, шарора, ишк олови, кўнглидаги накшлари, Хакдан етган жазбасидир.

Махтумкули, оз айла сўз, барча колар тоғу денгиз,  
Тупрокка тўлса ушбу кўз, Хакдан яна фармон чикар.

"Эй Махтумкули, сўзни кам кил, гапнинг кискаси шуки, неча маъдан конлари, олтин ва кумуш хазиналарини ўз ичида яширган тоғлар хам, неча марварид ва жавохирларни ўз қаърида беркитган денгизлар хам қолади, инсон эса ўтади. Инсон вафот этиб, кўзлари тупрокка тўлса хам, Хакдан яна фармон чикиб, киёмат куни у қайта тирилади, хисоб-китоб бошланади. Бас, шундок экан, иймон-эътиқодингни пок тутиб, Хак ишида тўғри яша".

Байтдаги "Хакдан яна фармон чикар" жумласи "қайта тирилишга ҳукм бўлади", маъносидадир. Бу байтни шоирнинг бошқа сатрлари билан шархлаш мумкин:

Махтумкули, сирим чўхдур,  
Мен налайин, очан йўқдур,  
Ўлмок ҳақ, тирилмок ҳақдур,  
Ўқудим Куръон ичинда...

Яъни, Хакдан фармон чикиб, қайта тирилиш Куръонда билдирилган илохий ҳақиқатдир, дейди шоир. Чунончи, Куръони қаримда Хак таоло: "Ўлик ер улар учун (қайта тирилишга) бир оят аломатдир" ("Ёсин" сураси, -оят) дейди, "Киёмат" сурасида эса: "Инсон Бизни унинг (чириб тупрокка айланиб кетган) суяқларини харгиз тўплай олмас, деб гумон килурми?! Йўқ, Биз унинг бармоқларини (хам) тиклаб, жой-жойига келтиришга қодир Зотдирмиз" (-оятлар) деб огохлантиради. Бу ҳақда оятлар кўп. Махтумкули ана шу оятларга ишора қилаётир.

\* \* \*

Махтумкули 18 асрнинг 0-йилларида вафот этган. Унинг қабри тугилган юрти – Атрек (Атрок) билан Сангитог орасидадир. Шоир отаси Озодий ёнига дафн этилган. Махтумкули одамзоднинг дарду армонлари билан яшаб, ўз маърифати билан барча халқларга севимли бўлган валий шоирдир.

Оғир мустамлака замонларида Махтумкули шеъриятини такрор-такрор ўзбек китобхонларига тақдим этган мухтарам таржимон Жуманиёз Шарипов шоир ижодига кўл ураётган барча янги таржимонларга ҳақли устоздир. У кишининг тажриба мактабидан биз хам баҳраманддирмиз.

Ушбу "Сайланма" китоби Махтумкулининг йилда "Туркменистон" нашриётида чоп этилган икки жилдлик туркманча "Сайланган асарлари"дан танлаб олинди. Илгари

Ўзбек тилида нашр килинмаган шеърлари билан бирга таниш шеърлари ҳам туркманчадан кайта табдил этилиб, китобга киритилди. Биринчи боис, у шеърларга мухаббатимиз кучли экани бўлса, иккинчи боис – у шеърларнинг баъзиларидан мустабид тузум қолипига сиграман айрим бандлар кискартирилгани, айрим сўз ва иборалар эса ўзгартирилганидир. Бунда уларни тўлиқ такдим этмоқдамиз. Таржимада ихтиёрсиз йўл қўйилган нуқсонлар учун китобхондан узр сўраймиз. Тўплам хусусида мухтарам ўқувчиларнинг фикр-мулохазаларини кутамиз. Ушбу китоб, шубҳасиз, дунё ва охираат мохиятини англашда инсонга мададкор, маънавий озик, руҳга қувват, иймонга далда бўлгайдир. Махтумкули – туркий халқларнинг сайроки тили, сахронинг гули, гулнинг булбули, Хакнинг содик, ошиқ ва ориф қулидир. Аллох муборақ айласин!

**Мирзо Кенжабек**